

# **“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика аентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори (ПҚ-114-сон, 04.03.2024 й.) қабул қилинди**

-Қарорга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий статистика сифатини таъминлаш бўйича базавий принциплари миллий статистика тизимиغا жорий этилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил якунига қадар:

- расмий статистикани тайёрловчилар томонидан тарқатиладиган статистика маълумотлари Статистика маълумотларини ишлаб чиқишининг намунавий модели (ГСБПМ) асосида шакллантирилади;
- БМТ томонидан тавсия этилган сифатни бошқариш бўйича қўлланмаларни тўлиқ жорий этиш доирасида зарур ташкилий чоралар кўрилади.

Бунда:

- расмий статистикани тайёрловчиларнинг ҳар бирида расмий статистикада сифат ва тарқатиш сиёсалари ишлаб чиқилади;
- БМТ томонидан маъқулланган қўлланма (НҚАФ) асосида Миллий сифатни бошқариш қўлланмаси ишлаб чиқилади;
- миллий статистика тизимини глобал баҳолашдан ўтказиш ташкил этилади ва натижалари эълон қилинади.
- 2025 йил 1 январдан статистика кузатувларини амалга ошириш жараёнига консалтинг компаниялари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари жалб этилади.
- 2024 йил якунига қадар “Статистика” интеграллашган ахборот тизими ва “Электрон ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси ўртасида электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади.

**Узун туман адлия бўлими юридик хизмат**

**кўрсатиш маркази бош юристконсулти**

**Б.Отамуродов**